

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-202-210>

Рухиева Халида Арибжановна

Ўзбекистон Миллий университети- профессори

Ибодуллаева Ирода Нурулло қизи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти таянч

докторанти таянч докторант

Мухторова Мадина Азамат қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Тел: 99894-676-46-36. Email: muxtorova97@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистон тараққиётида фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. XXI -аср бутун дунё миқёсида, шу жумладан Республикамизда фан , таълим ва техника соҳасида эришилаётган улкан ютуқлар барча фанлар қатори фалсафа ва психология соҳасининг ҳам ривожига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгач, фан ва таълим соҳасида туб ислохотларнинг амалга оширилиши психология фани соҳасида тараққиётни, ижобий маънодаги кескин бурилишларни юзага келтирди.

Эндиликда мамлакатимиз файласуфлари ҳамда психологлари зиммасига халқимизнинг миллий ўзига хос психологик хусусиятларини тадқиқ этиши, миллий мафкура ва миллий тафаккурни шакллантиришининг психологик асосларини ишлаб чиқиши, ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашининг психологик ва маънавий омилларини асослаш ҳамда тарғиб этиши каби улкан вазифалар юклатилди. Бу вазифаларни бажаришда мамлакатимиз психолог олимларининг олиб бораётган илмий изланиш фаолияти муҳим аҳамиятга моликдир.

Калит сўзлар: *хақ-ҳуқуқ, демократия, тафаккур, динамик ривожланиш, моддий борлиқ фалсафаси, зоя, фаолият, фуқаролик туйғуси, демократик тўсиқ, қадрият, маънавий мерос, миллий –маънавий негизлар, прогрессив, иерархия, креатив.*

ABSTRACT

The role of philosophical and social sciences in the development of new Uzbekistan is important. The great achievements of the XXI century in the world, including in the Republic in the field of science, education and technology, have a positive impact on the development of all disciplines, including philosophy and psychology. Especially after the independence of our republic, the implementation of radical reforms in science and education has led to progress in the field of psychology, a sharp turn in a positive sense.

Now the philosophers and psychologists of our country have been entrusted with the huge task of studying the national psychological features of our people, developing the psychological basis for the formation of national ideology and national thinking, substantiating and promoting the psychological and spiritual factors of educating the younger generation in the spirit of national independence. In carrying out these tasks, the research work carried out by psychologists of our country is of great importance.

Key words: *rights, democracy, thinking, dynamic development, philosophy of material existence, ideas, activities, sense of citizenship, democratic barrier, values, spiritual heritage, national-spiritual foundations, progressive, hierarchical, creative.*

АННОТАЦИЯ

Важна роль философских и социальных наук в развитии нового Узбекистана. Великие достижения XXI века в мире, в том числе в республике в области науки, образования и техники, положительно сказываются на развитии всех дисциплин, в том числе философии и психологии. Особенно после обретения нашей республикой независимости осуществление радикальных реформ в науке и образовании привело к прогрессу в области психологии, крутому повороту в положительном смысле.

Теперь на философов и психологов нашей страны возложена огромная задача изучения национально-психологических особенностей нашего народа, разработки психологических основ формирования национальной идеологии и национального мышления, обоснования и популяризации психологических и духовных факторов воспитания молодое поколение в духе национальной независимости. В выполнении этих задач большое значение имеет научно-исследовательская работа, проводимая психологами нашей страны.

Ключевые слова: *права, демократия, мышление, динамическое развитие, философия материального бытия, идеи, деятельность, гражданственность,*

демократический барьер, ценности, духовное наследие, национально-духовные основы, прогрессивный, иерархия, креативность.

КИРИШ

Дарҳақиқат, ривожланиш қонунияти шундан иборатки, у доимо янгиланиб боради. Бугунги дунё ҳам янгиланмоқда ва ўзгармоқда. Шундай экан, ўзгарувчанлик бугунги дунёнинг ҳам ўзига ҳос жиҳатларидан бири бўлиб, Ўзбекистон учун ҳам худди шундайдир. Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш барчамизнинг бурчимиздир. Шу таъриқа, Ўзбекистонда ҳаётга янгича қараш бошланди. Сабаби, олдинги ягона моддийлик фалсафаси таянган тамойиллар демократик ғоялар, қарашлар ранг-баранглиги инсон ҳақ-ҳуқуқи, эркин жамият ривожига тўғри эмаслиги билан боғлиқлигини ўзида акс этди.

Янгича фалсафанинг жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, психологик, маънавий-маърифий, мафкуравий жиҳатлари мавжуд. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий негизини, бозор муносабатларига асосланган мулкнинг хилма-хиллиги ташкил этилиши билан боғлиқ. Чунки, давр таълабидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-сиёсий ҳамда психологик ҳаётга муносабат ҳам янгича асосга қўйилганлигидан далолат беради. Эндиликда дунёда жамият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллар йўқлиги равшан бўлиб қолди.

Бугун Янги Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши асосий қонунимизда ўз ифодасини топди. Бу янги ғояларсиз янгиланаётган фалсафани тасаввур эта олмаймиз. “Инсон ҳамма нарсанинг ўлчови” деган қадимий ғоя мезонига таянмасдан янгича дунёни ҳам, янгича фалсафани ҳам англаш мумкин эмас. **Тафаккур** – объектив олам инъосининг олий шакли бўлиб, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёнидир. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунча, ҳукм, хулосалар шаклида ифодаланади. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида вужудга келади. Тафаккур ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлиб, у барча ижтимоий-психологик ҳодисалар каби

тафаккур услуби ҳам ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади. У ишлаб чиқариш усули, жамият ижтимоий таркиби, мафкуравий қарашлар ва бошқа ижтимоий муносабатларга бевосита боғлиқдир. Тафаккур меҳнат ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуддир. Шу сабабли, инсон тафаккури нутқ билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ошади ва унинг натижалари тилда қайд этилади. Тафаккур жараёнининг натижаси ҳамisha бирон-бир фикрдан иборат бўлади.

Дунёнинг янгиланиши ўзгараётган инсон тафаккури, дунёқарашининг ўзига хос кўриниши, мезони ҳамда намоён бўлиши билан ўз аксини топади. Инсон онги ва тафаккурининг ўзгариши билан ҳаёт ҳам янгиланмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти бугунги ҳаётнинг ўзгариши, онг ва тафаккуримизнинг қандай ўзгараётганлигига бевосита боғлиқлиги билан тобора равшан бўлиб қолди.

Бугун ўз ҳаётига, тақдирига, мамлакатада кечаётган жараёнларга, унга бўлган ўзаро муносабатларга бефарқ бўлмаган ҳар бир киши бу ўзгаришларни англайди. Чунки, инсон ҳаётга фақат кузатиш учун эмас, балки фаолият юритиш учун, ўзлигини англаш учун келади. Фаолият, фаоллик бор жойда ўзгариш, таққослаш, ютуқ ва муаммоларни кўриш бўлиб, ютуқларни янада ошириш, муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикрлар юзага келади.

Демак, Янги Ўзбекистон - Янгича дунёқараш - унинг келажаги тўғрисида қайғуриш, Ватаннинг қисматини ўз қисмати деб билишда амалга ошади. Бу эса унда ҳақиқий фуқаролик туйғуси мужассамлигини, бурч ва масъулиятни англаш ҳиссининг борлигини билдиради.

Тафаккур – бу дунёқараш. Тафаккур бу – ҳақиқатни билишдир. Ҳикмат илми эгаларининг бу фикрларига таянишда, асос бор. Чунки инсон, сиз ва биз яшаётган дунёнинг бош бўғинини ташкил этади. У инсон борлиги билан, унинг барча мукамалликлари, ютуқ ва онгсизлик хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, интилиш ва манфаатларининг ранг-баранглигидан иборатдир. Дунёнинг янгиланиши, ташвишли суронлари-ю, ютуқларини ҳам инсонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, инсоннинг маънавий борлиги қандай бўлса, ҳаёт ҳам шундай, бир-бирини тўлдириб, давом этиб келганлигини кузатамиз.

Ҳаётда фалсафий онг, тафаккур, қараш ва ёндашувлар қандай бўлса, шундай бўлган. Бу дегани, инсон онги ва тафаккурида, дунёқарашда, тасаввурларида, фаолиятида қандай ғоя, фикр, қарашлар устувор бўлган бўлса, унинг манзараси ҳам шундайлигидан далолат беради. Инсонлар дунёқарашда эзгулик ғоялари устувор бўлганда, яъни инсон дунёга эзгулик кўзи билан қараб,

адолат ва маърифат, тафаккур ва ақл билан иш кўрганда, ҳаёт гўзаллашган, фаровонлашган, тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик устунлик қилганлигини ўзида акс эттиради. Инсон хоҳиш-иродаси, истаклари, онг ва тафаккурини “бошқариш”га жазм қилиб, эркинликдан маҳрум бўлинганда ҳам дунёни жоҳиллик, адолатсизлик эгаллаган. Бунга “жоҳиллик дунёси”нинг кўриниши деб ҳам қараш мумкин¹.

Бугун “моддий борлиқ фалафаси” ўрнида янги фалсафа, дунёга инсон борлигини ҳисобга олиб ёндашадиган “инсон фалсафаси” шаклланмоқда. Бу фалсафа инсоннинг маънавий борлиғисиз дунёнинг мукамаллигини тасаввур эта олмайди. Инсоннинг руҳий-маънавий, амалий эҳтиёжлари ва манфаатлари мажмуига яхлит ҳолда ёндашмасдан бу дунёнинг тўқис бўлиши, мукамал бўлиши мумкин эмас, деб қарайди. Ҳаётининг мукамал бўлишини истаган ҳар бир шахс, аввало, ўзи маънан мукамал бўлиши, маънавиятни юқори, маънавий борлиғи, маънавий-руҳий олами комолотга етган ғоялар унинг борлиғида устувор бўлиши, шунга эришишга мойиллик яратади.

Янги Ўзбекистонда янгиланган фалсафа, иқтисод ва психология фақат “моддийликка эмас” маънавиятга ҳам асосланаётган фалсафий тафаккурдир. Чунки, инсоннинг борлиғи, унинг мавжудлиги, унинг руҳий-маънавий олами билан ўлчанади. Инсон борлигининг ўзига хослиги ҳам шунда.

Янгиланаётган Ўзбекистон инсонни ўз ўрнига кўймоқда. Инсонга шахс сифатида, энг олий кадрият деб қараш имкониятини бермоқда. Янгиланаётган тафаккурнинг, Ўзбекистон учун хос бўлган яна бир жиҳати шундаки, Ўзбекистон халқи бугун “ўз тақдирини ҳал этиш ҳуқуқисиз” яшаётгани йўқ. Аксинча, ўз тақдирини ўзи ҳал этмоқда. Бугун Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий, психологик ҳаёти маъмурий буйруқбозлик вариантидаги демократик тўсиқлардан озод бўлди. У бозор иқтисодиётига, мулкчиликнинг хилма-хиллигига ҳамда миллий маданиятига асосланган ҳолда ривожланмоқда. Ўз миллий-маънавий меросига, кадриятларига таянган ҳолда, ўз келажагини қурмоқда. Бу ҳар бир инсоннинг, унинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти учун янги имкониятлардан биридир. Чунки, Ўзбекистон халқи ўз миллий-маънавий негизлари асосида ўзлигини, дунёнинг ўзгаришларини англамоқда. Шу сабабли, ҳар бир халқнинг маънавий дунёси унинг тарихий, маънавий ҳаёт йўлини ўзи ифода этмаса, ундан бегона бўлса, ўзига хос ва мос ривожланишнинг қонунига тўғри келмайди, албатта.

¹ Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: “Akademiya”, 2004. -8-9-бетлар.

Ўзбекистон халқи ўз миллий-маънавий негизлари асосига қўйилган фалсафий тафаккурига асосланмоқда. Бу ўзига хос ва мос фикр, дунёқарашга эга бўлаётганлигидан далолатдир. Ўзбекистоннинг янги фалсафий, психологик тафаккури ўзига хос шундай улкан борлиқки, унда миллийлик билан умуминсонийлик, динийлик билан дунёвийлик, инсонийлик билан эзгулик, бунёдкорлик, индивидуаллик билан жамоавийлик уйғунлашиб кетган. Уни Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, А.Навоий, З.М.Бобурларнинг маънавий мероси орқали англаймиз ёки А.Авлоний, А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон каби маърифатпарварчилик намояндалари орқали кўрамыз.

Улар бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишмади...улар ўт билан ўйнашаётганликларини, истибдодга қарши курашаётганликлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб онгли равишда мана шу йўлдан боришган. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган”²

Воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши, амал қилиши билан боғлиқ қонуниятларни билиш ўта мураккаб жараён бўлиб, инсон ақл-заковати ҳамма вақт ҳам тезда англаб олинолмайдиганлигидан далолат беради. Чунки, уни англаш учун ақл билан бирга, билим, малака, кўникма, касбий маҳорат, тажриба, кузатиш ҳамда таққослаш талаб этилади. Бир қарашда тартибсиз бўлиб кўринган ҳар қандай ҳодиса, хатти-ҳаракат ёки фаолиятда ҳам уни шунга ундовчи тартибот, ички шарт-шароитлар, омиллар мажмуи уни юзага келтиради. Ана шу ҳодисаларни табиат ва жамиятда кузатиш ёки умуман жонли ёки жонсиз табиат муносабатида содир бўлиши айна пайтда ўзига хос ички ва ташқи боғланишнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу дунёнинг бир бутунлиги ва ранг-баранглигидан далолатдир. Ҳаёт ўзгарувчан ва ўз-ўзини ташкил этиб боради. Уни “ривожланиш”, “тараққиёт” тушунчалари ифода этади. Масалан, **ривожланиш** тушунчаси қайси соҳасида кузатилмасин ўзининг маъно-мазмунига эга. Ривожланишнинг ҳар қандай типидан ижобий, прогрессив сифатлар жамланиб боради. Бироқ айрим ҳолларда янги вужудга келган сифат прогрессив характерда бўлиши ҳам мумкин, шунга қарамасдан ривожланишда умумий прогрессив йўналиш сақланиб қолади. “Тараққиёт” тушунчасига нисбатан ёндашганда илгарилаб қиладиган ҳаракат, уни юксалишининг устуворлиги билан боғлиқ деб қараш мумкин. “Тараққиёт” тушунчаси айрим йўқотишларни ҳам истисно этмайди. Унинг ички

² Унутилмас сиймолар. Жадиҳчилик ҳаракатининг намояндалари. Т.: Академия, 1999 й.

боғланишлари, тараққиётга ундаётган манбаи, куч-қуввати даражаси юқорилиги билан ажралиб туради³. Тараққиёт (араб – кўтарилиши, юксалиш, ривожланиш) – ривожланиш, такомиллашиб, оламдаги илгариланма ҳаракатни, объектлардаги сифатий ўзгаришларни, борлиқдаги янги шаклларнинг вужудга келишини ифодаловчи фалсафий категория бўлиб, у ривожланишнинг оддийдан мураккабга, куйидан юқорига йўналиш шакли, унинг юксалишида намоён бўлади. Тараққиётни кўпинча ривожланиш билан айнанлаштириб кўйишади, аслида у ривожланишнинг бир йўналишидир. Шунингдек, тараққиёт айрим адабиётларда фақат жамиятдаги ривожланиш маъносида қўллашади, бу ҳам бир ёклама ёндашув. Тараққиёт фалсафий адабиётларда прогрессив ривожланиш тарзида қўлланилади. Ривожланиш кўпроқ фалсафий тушунча. Тараққиёт тушунчаси социал, иқтисодий, психологик, маданий, сиёсий жиҳатлар билан ҳам боғлиқ бўлиб, ривожланиш эса ҳам жонли, ҳам жонсиз табиатда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни ўзида ифодаловчи кенг маънога эга жараён дир. Ривожланишни тайёр, тугал, изчил ҳолатда эмас, аксинча, давомийлик, тадрижийлик тарзида кўриш лозим.

Психологияда тафаккурнинг ижодий жараёнини ўрганиш аввало уларни диагностика қилиш ҳамда шакллантиришнинг динамик иерархияси босқичма – босқич амалга оширилади.

Шунинг учун инсонда тафаккур қобилият билан уйғунликда амалга ошади. Илмий-тадқиқот фаолият олиб борган, ихтирочилик намунасини намоён этган ёки ижодий фаолият олиб борган шахс креативликнинг субъекти сифатида баҳоланади. Шахснинг ақлий қобилияти ва креатив тафаккури юқори бўлса, у шунга мос даражада самарали ижод қила олади. Демак, шахснинг креатив тафаккурини диагностика қилиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таъминлайди.

Жамиятнинг динамик ривожланиши, фан ва техниканинг тараққий этиши, фуқаролар камолоти учун ижодий, самарали тафаккурни ёшларда шакллантириш лозимлигидан далолат беради. Янги Ўзбекистонда мамлакатнинг келажаги, ривожланишининг ҳаракатлантирувчиси ёшлар келажакда жамиятимизнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиб, мамлакат салоҳияти ва қудратини кўтаришга муҳим ҳисса қўшадилар.

Тажрибалар ижодий фикрлаш жараёни ҳар бир фан йўналиши, таълим босқичи ва таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш оператив ва тежамкорлик, оператив мураккаблик, соддаллик ва қулайлик,

³ Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: “Академия”, 2004. -12-13-бетлар.

индивидуал ва гуруҳий ишлашга хизмат қилувчи вазифалар характериға эға бўлишини тақозо этади.

ХУЛОСА

Демак, **Янги Ўзбекистон –Янгича Дунёқараш тафаккурини ривожлантиришда** ўқув машғулоти, мустақил таълим таъсирида маъруза, семинар, амалий ва лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти ўзига хос ўринга эға бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, улар орасидан лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятига асосланиб, ўқув-машғулоти ташкил этишда талабалар тафаккурининг тезлиги, эгилувчанлиги, оригиналлиги намоён бўлишига самарали таъсир этувчи психологик омилларнинг татбиқ этилиши Янгича Дунёқараш тафаккурини ривожлантиришнинг муваффақият гарови ҳисобланади.

REFERENCES

1. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: “Akademiya”, 2004.
2. Унутилмас сиймолар. Жадиличлик ҳаракатининг намояндалари. Т.: Академия, 1999 й
3. Э.Ф.Ғозиев. “Психология методологияси” Тошкент. “Ношир” 2013й.
4. Э.Ф.Ғозиев. “Тафаккур психологияси”. Тошкент. “Ношир” 2014й.
5. Х.А.Рухиева. Олий таълим психологияси. Тошкент. ТДИУ нашриёти. 2014 й.
6. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. *International Journal of Advanced Science and Technology* 29 (5), pp. 1846-1853.
7. Adashova, M. (2022) Abu Mansur Moturidiy falsafiy merosida shaxs ma'naviyatini yuksaltirish masalalari. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social science*. 2 (1) ISSN 2181-1784.
8. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 1029-1038.
9. Муминов, А. Г. (2019). Реформы в образовании Узбекистана: состояние и перспективы. *Бюллетень науки и практики*, 5(9).
10. Мухтаров, А. Олий таълимда замонавий инновациялар. *Архив научных исследований*.
11. Мухтаров, А. (2020). Фуқаролик жамияти ва толерантлик. *Архив научных исследований*.

-
12. Muminov, A., Muminov, O., & Norov, S. (2020). Social partnership in uzbekistan: Status and prospects. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(2), 5876-5878.
 13. Muxtarov, A. (2020). Фалсафанинг долзарб муаммолари. Архив научных исследований.
 14. Муминов, А. Г. (2021). EMPHATY IN MODERN CONDITIONS: VIEWS, FACTORS, MANIFESTATIONS. *Журнал Социальных Исследований*, 4(4).